

## 4 КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИЛАДИ

## 6 СУБСИДИЯ БОР, АММО УЙ ЙЎҚ...



# Ma'halla



www.xolisnazar.uz @xolis\_nazar @xolisnazar

ШАНБА, 21 МАЙ, 2022 ЙИЛ № 20 (2054)



## ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ САЙЛОВИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

**19** май куни ҳолатига кўра, сайловлар **3 минг 908**та (41,8 фоиз) маҳаллада **10 минг 76** нафар тавсия этилган номзодлар ва **830 минг 165** нафар фуқаролар вакиллари иштирокида ўтказилди. Ушбу

сайловларда **3 минг 893** нафар маҳалла раиси сайланди. Сайланган раисларнинг **2 минг 311** нафари (59,4 фоизи) **биринчи мартаба**, **1 минг 582** нафари (40,6 фоизи) **амалдаги раисларни** ташкил этади.

Андижонда 72,5 фоиз, Сирдарёда 70,9 фоиз, Жиззахда 70,5 фоиз, Хоразмда 67,5 фоиз, Қашқадарёда 66,1 фоиз, Тошкент вилоятида 65,1 фоиз, Навоийда 63,6 фоиз раислар **биринчи мартаба**

**сайланган**. Раисларнинг 419 нафари **аёллардан**, 149 нафари маҳаллий Кенгашлар **депутатларидан** иборат. Қолаверса, уларнинг 3 минг 661 нафари (94,0 фоизи) **олий**, 232 нафари (5,8 фоизи) **ўрта-махсус**

ва ўрта маълумотга эга. Тошкент вилоятида 99,3 фоиз, Сирдарёда 98 фоиз, Хоразмда 97,6 фоиз, Жиззахда 97,5 фоиз олий маълумотга эга раислар сайланган.

3-саҳифада.

ОММАВИЙ ҚАБУЛ

## РАҲБАРЛАРНИНГ ОДДИЙ ОДАМЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ ҲАР ЖИҲАТДАН САМАРАЛИ БЎЛЯПТИ



Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Оммавий сайёр қабуллар шунинг кўрсаткичи, республика ва вилоят даражасидаги раҳбарлар аҳоли орасида юрсагина унинг дардини теранроқ ҳис этади. Муаммолар жойида ўз вақтида ҳал қилинади. Давлат идораларига мурожаатлар камайтириш, фуқароларнинг ортиқча овозгарчиликларига барҳам берилади.

2-саҳифада.

ТАЪЛИМ

## «ҲОМИЙЛИК» НИҚОБИ ОСТИДА МАКТАБ ТАЪМИРИГА ПУЛ ЙИГИШ ҚОНУНИЙМИ?

Мактабда пул йиғишни ноқонуний эканини эълон қилган Халқ таълими вазирлигига шу ўринда яна саволлар туғилади.

**Биринчидан**, агар шундай бўлса, нима учун мактабларда мактаб фонди, синф фонди каби фондлар фаолияти йўлга қўйилган?

**Иккинчидан**, пул йиғиш ноқонуний ҳолда нега синф раҳбарларидан «таъмирлаш»га маблағ суралмоқда?



5-саҳифада.

**ДАСТУР ИЖРОСИНИ БОШ ПРОКУРАТУРА ЎРГАНАДИ**

**МЎЙНОҚҚА ИШГА БОРГАН ШИФОКОРГА 200 ФОИЗЛИК УСТАМА ТЎЛАНАДИ**

**СУВ ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИ ЎТА ЖИДДИЙ**

# РАҲБАРЛАРНИНГ ОДДИЙ ОДАМЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ ҲАР ЖИҲАТДАН САМАРАЛИ БЎЛЯПТИ

Худудларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар аҳолини қийнаб келаётган долзарб масалаларни ўрганиш ва уларни жойида ҳал этишга кенг имконият яратмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти туман ва шаҳарларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эълон қилинган «оммавий сайёр қабуллар уч ойлиги» доирасида ташкил этилган тадбирларда ҳам бу жиҳат яққол кўзга ташланмоқда.

Айтиш керакки, Президент Халқ қабулхоналари ташкил этган бу галги очик мулоқотларга Республика ишчи гуруҳи инсон ва жамият ҳаёти, давлат бошқаруви билан боғлиқ деярли барча комплекс масъулларидан иборат анчайин кенг жамоа, катта куч билан келди. Хусусан, Президент Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Судьялар Олий кенгаши, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш, Соғлиқни сақлаш, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, Фавқулодда вазиятлар, Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Халқ таълим вазирликлари вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Марказий банк каби республиканинг қатор ташкилотлари

раҳбарлари мурожаатчилар билан юзма-юз ўтириб, ҳар бир масалани ҳудудий масъуллар билан бирга муҳокама қилмоқда, муаммоларни ҳал қилиш учун бор куч-имконият ишга солинмоқда.

Жумладан, Бўка туманидаги «Бўстон» маҳалласида Бўка, Бекобод, Пискент туманлари, Бекобод шаҳар аҳолиси учун ташкил этилган оммавий сайёр қабулда одамлар кўпроқ ишсизлик, тураржой ва ер участкасини олиш, бизнес юриштиш, коммунал хизматлар таъминоти ва ҳудуддаги инфратузилма масалаларида мурожаат қилишди.

Бекободлик Муяссар Абдусаторова — чорасизлик чорраҳасида қолиб, сайёр қабулга келганлардан бири. У мутасаддилар билан юзма-юз мулоқотда қарамоғида ногирон ота-онаси, қизи борлигини, бу ҳам етмагандек, ишсизлик

**ХАЛҚ ДАВЛАТ ИДОРЛАРИГА ЭМАС, ДАВЛАТ ИДОРЛАРИ ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ КЕРАК. ОММАВИЙ САЙЁР ҚАБУЛЛАР ШУНИ КЎРСАТЯПТИКИ, РЕСПУБЛИКА ВА ВИЛОЯТ ДАРАЖАСИДАГИ РАҲБАРЛАР АҲОЛИ ОРАСИДА ЮРСАГИНА УНИНГ ДАРДИНИ ТЕРАНРОҚ ҲИС ЭТАДИ.**



дод устига яна бир дард эканини билдирди. Масъуллар унинг мурожаатини тинглаб, вилоят мутасаддиларига керакли топшириқларни берди.

«Работ» маҳалласида яшовчи оиланинг кичик фарзанди юрак нуқсони билан туғилди. Вилоят масъуллари томонидан яратилган барча-шарт-шароитлар сабаб бугун мурғак қалб яна соғлом ҳаётга қайтди. Сайёр қабулда эса у масъулларга миннатдорлик билдирди. Яна бир юртошимиз ҳам оғир дард билан олишяпти. Саратон касаллигига чалинган. Зудлик билан малакали шифокорлар томонидан жарроҳлик муолажаси зарур. Бироқ Гулчеҳра оланинг иқтисодий имконияти чекланган, яна фарзандининг қаровсиз қолиб кетаётгани уйлантирмоқда. Бу масала ҳам Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъуллари томонидан назоратга олинди.

Худди шундай, уй-жой олиш, моддий ёрдам, иш ҳақи, пенсия таъминоти ҳамда солиқ, суд, ишга жойлаштириш, ишга тикланиш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари, табиий газ, электр таъминоти ҳамда йўлларни таъмирлаш бўйича келиб тушган мурожаатлар атрофича

ўрганилди, масала ҳал этилишига муддатлар белгиланди. Назорати кучайтирилди.

Оққўрғон туманида ўтказилган оммавий қабулда Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон туманлари аҳолиси вакиллари тўлиқ қамраб олинди.

«Эртамғали» маҳалласида яшовчи Ойниса Ибрагимованинг ногирон фарзандлари бор. Уй-жойга муҳтожлигини билдирган аёлнинг мурожаати атрофича ўрганилди. Вилоят ҳокимлиги масъуллари, туман ҳокимлиги билан имкониятни чамалашди. Туман ҳокимлиги бу масалани тез орада бартараф этиш бўйича аниқ кўрсатма олди.

Пандемия туфайли чинозлик тадбиркор сотиб олган объектнинг 50 фоизи фойдаланилмай қолди. Натижада 2-3 баробар солиқ тўловлари амалга оширилаётган эди. Ҳозирда бу вазият кўшимча яна 50 иш ўрни яратиш билан шлакоблок ишлаб чиқаришни йўлга қўйишига тўсиқ бўлмоқда. Туман ҳокими эртагаёқ жойига чиқиб, вазиятни ўрганиб, назоратга оладиган бўлди.

— Яшаётган уйимизни таъмирлашга озроқ ёрдам бериш, муаммоларимизни ҳал этиш маса-

ласида мурожаат қилдим, — дейди қўйичирчиқлик Гулдона Баратова. — Келганим бесамар кетмади.

Масала республика масъуллари тарафидан вилоят тегишли раҳбарлари билан муҳокама қилиниб, 10 кун ичда уйимни, иссиқлик тизимимизни ҳомийлик асосида таъмирлаб беришадиган бўлишиди. Кабинетдан кўринмайдиган муаммолар кўп, шу сабабли раҳбарлар оддий одамлар билан учрашиб, сайёр қабуллар уюштириб туриши ҳар тарафлама самаралидир.

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак. Оммавий сайёр қабуллар шуни кўрсатяптики, республика ва вилоят даражасидаги раҳбарлар аҳоли орасида юрсагина унинг дардини теранроқ ҳис этади. Муаммолар жойида ўз вақтида ҳал қилинади. Давлат идораларига мурожаатлар камаяди, фуқароларнинг ортиқча овозгарчиликларига барҳам берилади.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Турсинхан Худайбергенов, Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Зоир Мирзаев иштирок этди.

## ҲОЛАТ

Бош прокуратура томонидан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ва бошқа давлат дастурлари доирасида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши масаласи ўрганилди.



# ДАСТУР ИЖРОСИНИ БОШ ПРОКУРАТУРА ЎРГАНАДИ

Маълум бўлишича, Президентимизнинг 2021 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, давлат дастурлари ижро этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш борасида Бош прокуратура томонидан республика ва ҳудудий штаблар, ишчи гуруҳларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, давлат дастурларига киритилган ҳар бир объект назоратга олинган.

## БЮДЖЕТДАН 23,7 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛАДИ

Шунингдек, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар учун бюджетдан 23,7 трлн. сўм

маблағ ажратиш кўзда тутилган. Тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан, 3 414 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш, уларнинг 2 129 тасини жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳозирга қадар янгидан бошланувчи объектларнинг 1 440 таси учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш якунланиб, уларнинг 1 354 таси бўйича давлат, 890 таси бўйича комплекс экспертиза хулосалари олинган.

Президентимизнинг тегишли қарорига асосан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси бўйича жорий йилда 413 та маҳалла ва қишлоқда ободонлаштириш ишлари олиб борилиши, 9 013 та объектда қурилиш-таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш белгиланган. Мазкур тадбирлар учун республика бюджетидан ажратилиши белгиланган 3 трлн. сўм маблағнинг 2,3 трлн. сўми ёки 70 фоизи ҳудуд-

лардаги тегишли жамғармаларга йўналтирилган.

Мазкур масалада депутатлар ҳам ўрганишлар олиб бормоқда. Ўтказилган ўрганишлар натижасида 1 249 та ҳолатда лойиҳа-смета ҳужжатларига ортиқча киритилган 942 млрд. сўм ёки лойиҳа қийматига нисбатан 12 фоиз маблағ мақбуллаштирилгани, шундан 346 млрд. сўми 507 та объект учун дастур доирасида 2022 йил учун ажратилган лимитга нисбатан иқтисод қилинган.

## ҚАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Шу билан бирга, дастур ижросида айрим камчиликлар сақланиб қолганмоқда. Жумладан, айрим объектларни қуриш учун ер участкаларини ажратиш масаласи оқсамоқда. Айнан шу сабабли 7 объектда ишлар бошланмаган. Шунингдек, 90 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, 301

та объектни тендер савдоларига қўйиш ишлари тугатилмаган.

Масъул органлар дастурлар доирасида худудларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини якунлашга етарлича эътибор қаратилмаганлиги ёки соҳага маъсул идоралар томонидан вазиятни ўнглаш юзасида аниқ ва қатъий чоралар кўрилмаётганини билдиришмоқда.

Дастурлар ижроси бўйича мутасаддилар фаолиятини самарали мувофиқлаштириб бориш мақсадида Республика штаби раҳбари бошчилигидаги гуруҳ ҳар бир ҳудудда ҳақиқий ҳолатни ўрганган, вазифасини лозим даражада бажармаган 60 нафардан ортиқ масъуллар интизомий жавобгарликка тортилган. Аниқланган муаммолар тегишли ташкилот ва идоралар иштирокида муҳокама қилиниб, ўз вақтида уларни бартараф этиш бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.

У.ИБОДИНОВ.

ҚОНУНДА ГАРЧИ «ҚОИДА ТАРИҚАСИДА...» ДЕЙЛГАН ҲОЛДА НИМА УЧУН ЖОЙЛАРДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТ ТАЛАБ ЭТИЛМОҚДА, ДЕГАН САВОЛ КЎПЧИЛИКНИ ҚИЗИҚТИРМОҚДА.

САЙЛАНГАН РАИСЛАРНИНГ 2 МИНГ 311 НАФАРИ (59,4 ФОИЗИ) БИРИНЧИ МАРОТАБА, 1 МИНГ 582 НАФАРИ (40,6 ФОИЗИ) АМАЛДАГИ РАИСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

# ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ РАИСИ САЙЛОВИ ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 16 МАЙ САНАСИДАН ЮРТИМИЗДА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) САЙЛОВИ БОШЛАНДИ. АЙНИ ПАЙТДА ЖОЙЛАРДА МАҲАЛЛА ВАКИЛЛАРИ УЗЛАРИ МУНОСИБ ДЕБ ТОПГАН, ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙДИГАН, МАВЖУД ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРГА ОҚИЛОНА ЕЧИМ ТОПИБ, ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЮМУШЛАРИГА БАРЧАНИ САФАРБАР ЭТА ОЛАДИГАН, ҲАР ЖИҲАТДАН САЛОҲИЯТЛИ НОМЗОДГА ОВОЗ БЕРИШ УЧУН САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА. ЖАРАЁН ҚИЗГИН ТУС ОЛГАН. ТАБИИЙКИ, БУГУН ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТАЁТГАН СИЁСИЙ ТАДБИР ТУРЛИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР ВА ҚАРАШЛАРДАН ХОЛИ БУЛАЁТГАНИ ЙЎҚ.

Таъкидлаш жоизки, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги қонунга кўра, номзодларга бир қатор талаблар қўйилган. Жумладан, раисликка номзодларни танлаш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикрини инобатга олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Номзодлар, аввало, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, қоида тариқасида олий маълумотли, бевосита сайловга қадар камида беш йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши лозим.

Бугун айнан «қоида тариқасида олий маълумотли бўлиши», деган банд тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани ҳақиқат. Яъни қонунда гарчи «қоида тариқасида...» дейилган ҳолда нима учун жойларда олий маълумот талаб этилмоқда, деган савол кўпчилиكنи қизиқтирмоқда.

— Қоида тариқасида олий маълумотли бўлиши керак, дегани ҳамма номзод олий маълумотли бўлиши шарт, дегани эмас. — **дейди Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги юридик бўлими бошлиғи Шоира Умарова.** — Аммо бугунги кун талабига кўра, маҳалла раисларининг сиёсий онги ва дунёқараши ҳар томонлама етук бўлиши лозим. Масалан, бугун маҳаллада ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар вакили, профилактика инспектори ҳам маҳалла раиси билан елкама-елка ишлайди. Уларнинг ҳар бири олий маълумотли мутахассислар ҳисобланади. Маҳалла раиси мана шу мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштириб, баҳолаб боради. Демак, юқоридаги давлат ташкилоти ходимлари олий маълумотли бўлгандан кейин маҳалла раиси уларнинг хизмат фаолиятини чуқур тушунадиган, барча соҳада олиб борилётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини теран англаган шахс бўлиши керак.

## ЖАРАЁН ҚИЗГИН ТУС ОЛГАН

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, **май ойи давомида 9 минг 349 нафар маҳалла раиси сайланди.** Сайлов арафасида маҳалла раислари лавозимига кўрсатилган **39 минг 661 нафар** номзод билан суҳбатлар ўтказилиб, улар орасидан бошқарув кўникмалари ва халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлган **26 минг 910 нафари** танлаб олинди.

**19 май кuni ҳолатига кўра,** сайловлар **3 минг 908та (41,8 фоиз)** маҳаллада **10 минг 76 нафар** тавсия этилган номзодлар ва **830 минг 165 нафар** фуқаролар вакиллари иштирокида ўтказилди. Ушбу сайловларда **3 минг 893 нафар** маҳалла раиси сайланди. Сайланган раисларнинг **2 минг 311 нафари (59,4 фоизи)** биринчи маротаба, **1 минг 582 нафари (40,6 фоизи)** амалдаги раисларни ташкил этади.

Андижонда 72,5 фоиз, Сирдарёда 70,9 фоиз, Жиззахда 70,5 фоиз, Хоразмда 67,5 фоиз, Қашқадарёда 66,1 фоиз, Тошкент вилоятида 65,1 фоиз, Навоийда 63,6 фоиз раислар биринчи маротаба сайланган. Раисларнинг 419 нафари аёллардан, 149 нафари маҳаллий Кенгашлар депутатларидан иборат. Қолаверса, уларнинг 3 минг 661 нафари (94,0 фоизи) олий, 232 нафари (5,8 фоизи) ўрта-махсус ва ўрта маълумотга эга. Тошкент вилоятида 99,3 фоиз, Сирдарёда 98 фоиз, Хоразмда 97,6 фоиз, Жиззахда 97,5 фоиз олий маълумотга эга раислар сайланган.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ.** Шайхонтоҳур туманидаги «Зангиота» маҳалласида 7 минг 436 нафар аҳоли иштирок қилади. Сайловда овоз бериш ёшига етганларнинг 402 нафар вакили қатна-

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, май ойи давомида 9 минг 349 нафар маҳалла раиси сайланади.

шиб, «Зангиота»нинг келгуси истиқболи ва фаровонлигига ҳисса қўша оладиган номзодга яширин тарзда овоз беришди. Сайлов жараёнлари тугагач, шу эрининг ўзида сайловчилар ва холислар иштирокида бюллетенлар саналиб, энг кўп овоз тўплаган номзод исми эълон қилинди.

— Навбатдаги сайловда маҳалла аҳли менга катта ишонч билдиришиди, бу ишончни ҳалол меҳнатим билан оқлашга астойдил ҳаракат қиламан. — **дейди «Зангиота» маҳалласи раиси Асатилла Муҳаммадхўжаев.** — Бугун раислар ёлғиз эмас: ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, булар — бизга қўш-қанотлардир. Улар билан баҳамжihat фаолият юритамиз. Асосий мақсадимиз — камбаваликни қисқарттириш, бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш. Шу мақсад йўлида сидқидилдан меҳнат қиламиз.

Учтепа туманидаги «Гузар» маҳалласида жараён намунали тарзда ташкил этилди. Унда ҳар бири ўзига хос тажрибага эга икки номзод илгари сурилди. Аҳоли вакиллари овоз бериши натижасига кўра, Гулбахор Нуриева йиғин раислигига сайланди. Унинг сайловдаги дастурида иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, оилалар фаровонлигига эришиш, ёшлар ва болалар таълим-тарбиясида нуронийлар тажрибасидан фойдаланиш, маҳалла ободлигига ҳисса қўшиш, ҳудуддаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш каби масалалар ўрин олган.

— Халқ ишончи зиммамга катта масъулият юклайди. — **дейди Гулбахор Нуриева.** — 1984 йилдан буён турли давлат ташкилотларида хизмат қилдим. Пенсияга чиққач, ўзимизнинг кўп қаватли уйга уйбоши сифатида сайлашди. Кўни-кўшни, уйимиздаги хонадонлар билан ишлаш жараёнида аста-секин маҳалла тузилмаси билан яқиндан танишдим. Маҳалламизнинг, аҳолининг муаммоларини ўргандим. Ўз фаолиятимда бу муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг ўз ҳаётидан рози яшашига ҳаракат қиламан.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Ҳудудда жами 424 та, шундан 14 та шаҳарча фуқаролар йиғини, 145 та овул фуқаролар йиғини ҳамда 265 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайланиши белгиланган.

Чимбой туманида 12 та маҳалла ҳамда 10 та овул фуқаролар йиғини бўлиб, уларда 114 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Барча ҳудудлар сингари маъруз туманда ҳам раисларни сайлаш жараёнлари кўтаринки руҳда ўтказилмоқда. Жумладан, тумандаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида «Бердак» маҳалла фуқаролар йиғини раиси сайлови бўлиб ўтди.

Фуқаролар вакиллари шу кунга қадар маҳалла раиси лавозимида ишлаб келган Фотима Полвонова ҳамда ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи ёш мутахассислардан бири Ботир Жўлдосбоевнинг номзоди учун овоз берди. Сайлов натижаларига кўра, Фотима Полвонова номзоди энг муносиб, деб топилиб, маҳалла раисига қайта ишонч билдирилди.

— Анча йиллардан буён маҳалла тизимида фаолият олиб бораман. — **дейди Фотима Полвонова.** — Маҳалладашларим менга яна ишонч билдиришиди, қўллаб-қувватлашди. Уларнинг ишончи менга жуда катта масъулият юклайди. Сайлов жараёнида ҳудудни янада ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш каби долзарб масалаларда муаммолар борлигини айтишди. Кейинги фаолиятимда ушбу йўналишларда ҳам маҳалламизни ибратли масканга айлантириш учун астойдил ҳаракат қиламан.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.** Вилоятдаги 1 минг 20 та маҳалла фуқаролар йиғини раислиги учун 2 минг 522 нафар номзод тавсия этилган. Номзодларни ўрганиш давомида вилоят бўйича 633 нафар амалда фаолият кўрсатиб келаётган маҳалла раислари номзодлари қайта тавсия этилган. Сайловлар уюшқоқлик билан ўтказилмоқда.

Жумладан, **Паркент туманидаги «Бўрсиллик» маҳалласига** Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз тили ўқитувчиси раис бўлди. Сайловда аҳолининг 236 нафар вакилидан 181 нафари қатнашди. Айни ҳолатда сайловни ўтказиш учун вакилларнинг учдан икки қисми йиғилган ҳисобланиб, жараёнларни бошлаш имконини берди.



Кўтаринки руҳда ўтган сайловда икки нафар номзод ўз дастури билан иштирок этиб, яқунда Сабриддин Каримшиков вакилларнинг энг кўп овозини олди. Саноқ комиссиясининг ҳисоб-китобига кўра, С.Каримшиков 95 та овоз, Муроджон Юнусов 73 та овоз олди. Шунингдек, 13 та бюллетень бузилган, деб топилди.

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Вилоятдаги 813 та маҳаллада ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан 4 минг нафардан зиёд номзодлар рўйхатга олинди, 253 минг 492 нафар вакил сайлаб олинди. Жумладан, Деҳқонobod туманидаги «Оқиртма» маҳалласида ташкил этилган сайловда 4 нафар номзод илгари сурилди. Вакиллар томонидан берилган яширин овоз бериш натижаларига кўра, Хусниддин Бозоров маҳалланинг янги раиси сифатида таништирилди.

— Маҳалладашларимиз ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қиламан. — **дейди Ҳ.Бозоров.** — Менга юклатилган вазифанинг масъулияти ва жавобгарлигини сезган ҳолда ҳудудни ҳар томонлама ривожлантириш чораларини амалга ошираман. Олдимизда ечимини қутаётган қўллаб-қувватлашга, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар шулар жумласидан. Ўйлайманки, маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспектори ҳамда аҳоли билан яқин ҳамкорликда барча муаммолар ечимини топамиз. Режалар бисёр. Ҳудудимиз аҳолиси билан уни ҳам-жиҳатликда амалга ошираман.

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ.** Жойларда ўтаётган вакиллар йиғилишида сайловчилар ҳудуд етакчилиги учун ҳар жиҳатдан муносиб, деб билган номзодларга овоз бермоқда. Хусусан, Жомбой туманидаги «Каттақишлоқ» маҳалласида ҳам вакиллар йиғини ташкил этилди.

— Амалдаги тартиб асосида кўча ва гузарларда ўтказилган йиғилишларда маҳаллада обрў-эътиборга эга, қонунчиликда белгиланган талабларга мос номзодлар аниқланди. — **дейди «Каттақишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси Бунёд Шодиев.** — Ҳудудда истиқомат қилувчи 8 минг 60 нафар аҳолининг 558 нафар вакили маҳалла раислиги учун уч номзод ичидан энг муносибини сайлади. Даставвал номзодлар маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ўз сайловдаги дастурлари билан таништириди. Яширин овоз бериш натижаларига кўра, номзодлар ичидан 230 нафар вакил еқлаб овоз берган Башорат Шамсиева навбатдаги муддатга маҳалла раислигига қайта сайланди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида сайлов жараёнлари давом этмоқда.

## БИЛАСИЗМИ?

### САЙЛОВ ЎТМАГАН ЁКИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛИШИ ҲАМ МУМКИН

**Такрорий сайлов қандай ҳолларда ўтказилишини биласизми?**

Агар фуқаролар йиғини раиси сайловда фуқаролар йиғинида иштирок этувчилар рўйхатига киритилган фуқароларнинг ярмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси сайлови фуқаролар вакилларининг йиғилишларида ўтказилган тақдирда, агар йиғилишда ҳовлилар, уйлар, кўчалардан фуқаролар вакилларининг учдан икки қисмидан камроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.


**Сайлов ҳақиқий эмас деб топилши ҳам мумкинми?**

Албатта, қонунчиликда бу ҳолат бўйича ҳам аниқ нормалар белгиланган. Хусусан, фуқаролар йиғини раиси сайлови давомида ёки овозларни санаб чиқишда йўл қўйилган ва овоз бериш яқунларига таъсир қилган қоидабузарликлар туфайли сайлов суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин.

Сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилганда, шунингдек, такрорий овоз бериш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайланганлигини аниқлаш имконини бермас, бундан ташқари, кўпи билан икки нафар номзод кўрсатилган ҳамда улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса бир ойлик муддатдан кечиктирмасдан такрорий сайлов ўтказилади.

Бунда овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод маҳалла раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган ҳисобланади.

# КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШ



## Асосий ҳужжат йилда бир маротаба байрам қилиш учун қабул қилинмайди

Куни кеча ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» партиялари Конституцияга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани парламентнинг икки палатаси кенгашлари муҳокамасига киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Ташаббускорларнинг фикрича, Асосий қонунимизда ўзгартиришга бўлган эҳтиёж яққол кўриниб турибди ва буни бутун жамоатчилик эътироф этяпти. Бугунги ривожланиш босқичи янги Конституцияни тақозо қилмоқда.

Таъкидланишича, ҳозир бу масала ташаббускорлик даражасида. Икки партиянинг қўшма мажлиси яқунларига кўра, Конституцияни такомиллаштириш масаласи Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгашлари ва Сенатига кўриб чиқиш учун киритилади.

— Энди навбатдаги вазифа — Олий Мажлис палаталари кенгаши тегишли комиссия мутохассисларини тўплаб, бу жараёни бошлаш керак, — дейди «Миллий тикланиш» демократик партияси етакчиси Алишер Қодиров. — Ҳозирда биз ташаббусни кўтардик, энди палаталарнинг кенгашлари ўзининг ваколатидан келиб чиқиб, ё ишчи гуруҳ, ё комиссия ташкил қилади. Ана ўшандан кейин лойиҳа пайдо бўлади. Лойиҳа пайдо бўлгандан кейин, уни қандай тартибда қабул қилиш масалалари муҳокама қилинади. Бу — кейинги босқич. Биз ҳозир биринчи — ташаббус босқичидамиз, ҳозир эса ҳеч қанақа лойиҳа ҳақида гап йўқ, фақат таклифларни қабул қилиш босқичидамиз. Марҳамат, сиз ҳам қўлингизга Конституцияни олинг ва ҳижжалаб ўқинг: қайси модда нима учун ўзгарishi керак? Асосланг ва таклиф юборинг.

Айтиш керакки, Асосий қонунни такомиллаштириш масаласи ўтган йили 8 декабрь санасида — Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригидан илгари сурилган. «Конституцияни янгилашдек гоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта уйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур. Ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Конституциянинг 30 йиллик байрами нишонланган кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчилик анъаналаримизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади», — деган эди Шавкат Мирзиёев.

### АСОСИЙ ҚОНУНДАН ҚАНЧАЛИК ХАБАРДОРМИЗ?

Конституция ўз моҳияти билан давлатнинг бутун ҳудудида устувор бўлиши ҳамда жорий қонунчилик учун асосий база вазифасини бажариши даркор. Бош қомусга тўлиқ амал қилиш ёки уни сўзсиз бажариш, аввало, сиёсий ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ.

Асосий ҳужжат йилда бир маротаба байрам қилиш учун қабул қилинмайди, балки у ҳар куни ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётимизда дастурул амал бўлмоғи лозим. Конституция нисбатан барқарорлик хусусиятига эга, бироқ бу дегани у ҳеч қачон ўзгариши керак эмаслигини билдирмайди. Давр тақозоси, жамиятнинг ўзгариши ва бошқа сабабларга кўра, қонунлар ҳам мукамаллашиб боради. Қолаверса, Конституция ва қонунлар халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этиши лозим. Шунга кўра, жамият тараққиёти асосида халқнинг фикри инobatта олинган ҳолда у ҳам ўзгариб боради. Жумладан, Ўзбекистон Конституцияси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинганидан буён унга 16 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Яна бир жиҳат: Конституция ҳуқуқшунослар иши тушиб қолгандагина мурожаат қиладиган бир парча қоғоз эмас, балки сизу бизнинг ҳаётимиз кафолати, халқнинг истак ва иродаларини намоён этувчи воясита ҳамдир. Бироқ буни ҳаммамиз ҳам англаб етмаймизми? Бош қонунимиздан қанчалик хабардормиз?

Тан олиш керак, кўпчилигимиз Конституциянинг маъно ва мазмунини яхши билмаймиз, уни сиңчиклаб ўрганмаймиз. Ваҳоланки, агар унинг моҳиятига кириб борсак, мағзини чақсак, бугун олдимизда турган кўпгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин бўларди. Бу борада ҳар бир фуқародан, жамиятдан, Ҳукуматдан масъулият ва жавобгарлик талаб этилади. Айна пайтда Конституциявий суд ҳам ўзининг мавжудлигини амалда кўрсатиши мумкин.

### КОНСТИТУЦИЯГА НИМАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШ МУМКИН?

Конституцияга киритиладиган ўзгартиришлар ҳақида фикр юритар эканмиз, агар бу ўзгаришлар парламент ва суд ҳокимиятининг мустақиллигига, эркин сайлов институтининг пайдо бўлишига, Кенгашларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали маҳаллий ижро органларининг ҳокимиятини чеклашга, шаҳар ҳокимларининг халқ томонидан сайланишига олиб келса, албатта, бу туб бурилиш бўлади. Бу жиҳатларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

БИРИНЧИДАН. Конституция мамлакатнинг Асосий қонуни экан, ҳеч бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат унда белгиланган нормаларга зид бўлмаслиги керак. Ҳар қандай масала бўйича, хоҳ хусусий мулкни тортиб олиш, хоҳ турли тоифадаги

абитуриентлар учун кенг имтиёзлар бериш ёки прописка институти билан боғлиқ талаблар бўлсин — Конституцияга мос келиши ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида аниқ асосланган хулосалар бўлиши керак ва бунинг учун Конституциявий суд балки ҳозиргидан кўра фаолроқ ишлаши керак бўлади. Амалда кўряпмиз, кўпгина қарорлар Асосий қонунда белгиланган тамойилларга зид бўлса-да, афсуски, қабул қилинмапти. Биргина «тонировка» ёки UZIMEI масаласи ҳали-хануз жуда кўп муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

ИККИНЧИДАН. Конституцияга кўра: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган». Ушбу принцип давлат ҳокимияти органларининг мувозанатини ва тенглигини таъминлайди. Бироқ бунга амал қиляпмизми?

Эътибор беринг: республика даражасида қонун чиқарувчи ҳокимиятни — парламент (Олий Мажлис), ижро этувчи ҳокимиятни — Вазирлар Маҳкамаси амалга оширса, вилоят даражасида вакиллик ва ижро этувчи ҳокимиятни бир шахс — ҳоким бошқаради, у ўзи ҳисоб бериши керак бўлган халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилади ва худди шу депутатлар уни бир овоздан Сенатга — қонунчилик органи юқори палатасига сайлашади. Ҳўш, бундай ҳолат ҳокимиятнинг бўлиниш принципига қанчалик мос келади? Бу каби вазият ваколатларнинг бирлашиб кетиши ва манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайдимиз?

ТҮРТИНЧИДАН. Конституцияга ўзгартириш киритилар экан, халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилаш масаласи эътибордан четда қолмаслиги керак. Зеро, ҳокимларнинг маҳаллий аҳоли томонидан сайланиши, Кенгашлар олдида ҳисобдор бўлиши, ўз навбатида, Кенгашлар агар ҳокимлар қонунларни бузса, уларни ваколатидан маҳрум эта оладиган ваколатга эга бўлса, бу — Конституцияда белгиланган халқ ҳокимиятчилиги принципига ҳам, ҳокимиятнинг бўлиниш принципига ҳам тўла мос келади. Парламентнинг юқори палатасига ҳам маҳаллий Кенгашлар депутатлари орасидан вакиллар сайланиши керак, ҳокимлар эмас. Бунинг вақти аллақачон етиб келган.

БЕШИНЧИДАН. Конституцияда мамлакатнинг ижтимоий давлат мақоми белгиланиши керак. Зеро, амалдаги ҳужжатда бу қайд этилмаган, ваҳоланки, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий Ҳимоя қилишга қаратилган сиёсат ижтимоий давлатнинг туб замини яратилганидан далолат беради. Давлат бюджетининг 50 фоиздан ортиги ижтимоий соҳага йўналтирилаётгани бунинг яққол далилидир.

ОЛТИНЧИДАН. Асосий қонунда кўплаб давлат органлари — Олий Мажлис, суд, прокуратура, Марказий сайлов комиссияси кабиларнинг конституциявий мақоми белгиланган. Лекин негадир инсон, унинг ҳаёти, билим олиши ва саломатлиги учун муҳим бўлган тиббиёт ходимлари ёки ўқитувчиларнинг мақоми мустаҳкамланмаган. «Инсон кадрлари учун» деган бош ғоя атрофида амалга оширилаётган ислохотлар руҳида мазкур икки тоифа вакилларининг мақоми Конституцияда белгилаб қўйилиши муҳим амалий аҳамиятга эга.

Худди шундай, давлат бошқаруви ва ҳокимияти органларининг самарали фаолият юритишида жамоатчилик назорати омили жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода кейинги пайтларда гувоҳи бўляпмизки, жамоатчилик назоратида энг фаол бўлган қатлам — ОАВ вакиллари, журналист ва блогерларга жуда кўплаб таҳдид ва турли кўринишдаги тажовузлар бўлмоқда. Шунга кўра, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг кафотланиши ҳам Конституцияимизда ўз ифодасини топиши керак.

### БИЛАСИЗМИ?

#### ПРЕЗИДЕНТ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОХОТЛАР БҮЙИЧА НИМАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ?

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 8 декабрда — Конституцияимиз қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табригидан конституциявий ислохотларнинг объектив зарурати сифатида кўйидагиларни санаб ўтди:

1. Илгари амал қилиб келган «давлат – жамият – инсон» тамойилини «Инсон – жамият – давлат» деб ўзгартириш;
2. Иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу – халқпарвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир;
3. «Жамият – ислохотлар ташаббускори» деган эзгу ғоя доирасида Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳам давр талабидир;
4. Бош қомусимизда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний кадрларларимизни келгуси авлодларга безавол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур;
5. Конституцияимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак;
6. «Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат» деган тамойилини конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди;
7. Инсон ҳуқуқларини Ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституцияимизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакилларининг ҳуқуқларини ишончли Ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур;
8. Ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар ўз конституциясига экологияга оид махсус боблар киритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масала устувор ўрин эгаллаши лозим;
9. Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

### КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия тузилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов ушбу комиссияга раис этиб тасдиқланди.

Конституциявий комиссия раиси ўринбосарлари этиб ЎзЛиДеП фракцияси раҳбари Акмал Хайитов, «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари Алишер Қодиров, Қорақалпоғистон Жўқори Кенгеси раиси Мурод Қамолов, Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қутбиддин Бурхонов тасдиқланди.

Кенгаш таркибидан 46 нафар депутат ва сенаторлар жой олган.

Комиссия аъзоларига Конституция киритилган ўзгаришларнинг миллий манфаатлардан келиб чиқиб тайёрлаш, жараёнларга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, ҳар қандай таклифларни жиддий ўрганиб чиқиш каби вазифалар қўйилади.

Шунингдек, Одилжон Тожиев комиссиянинг матбуот хизмати раҳбари этиб тасдиқланди.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ.

ПУЛ ЙИГИШ НОҚОНУНИЙ БЎЛСА, СИНФ РАХБАРИДАН ЎЗ СИНФИНИ ТАЪМИРЛАШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҚАНЧАЛАР ҚОНУНИЙ?! МУАММОНИ ЕЧИШ УЧУН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИККИ ХИЛ ЁНДАШУВНИ ТЎХТАТИШИ КЕРАК.

# «ҲОМИЙЛИК» НИҚОБИ ОСТИДА МАКТАБ ТАЪМИРИГА



Таълим муассасаларида ўқув йили якунида «ремонт» (минг афсуски, мактабда ҳам бу сўзни ўзбекча атамаймиз) га пул йиғиш кун тартибидан долзарб мавзуга айланади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мактабдаги «йиғди-йиғди»лар ҳар қанча танқид қилинмасин, анъана тусини олган. Ҳатто Халқ таълими вазирлиги бу ҳолатни ноқонуний эканини бот-бот такрорласа-да, жойларда ота-оналардан мактаб таъмири учун пул йиғиш тўхтамаяпти.

# ПУЛ ЙИГИШ ҚОНУНИЙМИ?

## «ҲАР БАҲОРДА ШУ БЎЛАР ТАҚРОР...»

Жорий йилда айна ҳолат такрор кузатилди. Худудларда мактаб таъмири учун пул йиғишга оид қонунларнинг ҳақиқат эътирозига сабаб бўлмоқда.

Халқ таълими вазирлиги яна одатга кўра, ҳолатга расмий муносабат эълон қилди. Унга асосан, мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ва инфратузилмасини яхшилашга маҳаллий ҳокимликлар масъул саналиши, ота-оналардан мажбурий пул йиғимларига йўл қўйилмаслиги билдирилди.

Муносабатда таъкидланганидек, Вазирлик мактабларда пул йиғимлари ташкил этилишини ноқонуний эканини эслатиб, агар шундай ҳолат учраётган бўлса, бу ҳақда **71 202-09-09 Ишонч телефони** рақамига хабар беришни сўраган. Шу билан бирга, мактабларга бегараз ҳомийлик қилиш истагида бўлган фуқаролар буни қонуний йўл билан, яъни ҳомийлик маблағларини мактабнинг ҳисоб-рақамига ўтказган ҳолда расмийлаштиришлари мумкинлиги билдирилган. Бунда мактаблардаги Кузатув кенгашлари орқали масала ечилиши таъкидланган.

Умумий таълим муассасаси харажатларини қоплаш учун ота-оналардан пул йиғиб олиш амалиётининг қонунийлигини муҳокама қилишда, энг аввало, юртимизда умумий таълим олиш ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқ даражасига кўтарилгани ва **мутлақо бепул** эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Хусусан, бу бепул умумий таълимни кафолатлаш давлатнинг умумий таълим билан боғлиқ бўлган асосий сарф-харажатларини ўз зиммасига олишини англатади. Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш республика ва маҳаллий («Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 31-моддаси) бюджетлар маблағлари, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат томонидан мактабларнинг моддий-техник, молиявий ва бошқа эҳтиёжлари таъминланиб, мактабда кўшимча ўқув предметлари ва режадан ташқари курслар жорий қилинганда, тажриба-эксперимент ишлари олиб борилганда, экспериментал педагогик майдончалар ташкил этилганда, янги турдаги мактаблар очилганда, шунингдек, бошқа ҳолларда ҳокимликлар мактабни зарур моддий-техника билан таъминлаш учун кўшимча молиявий маблағ ажратиши мумкин.

Ҳокимликлар мактабларга

зарур иншоотлар ва бинолар, муҳандислик коммуникациялари, ер майдонлари, ўқув қуроллари, инвентарларни етказиб беради ҳамда мактаб бинолари ва иншоотларини ўз вақтида асосли ва жорий тузатиб беришни, мактабларни асбоб-ускуналар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Ота-оналар томонидан тўланадиган бадаллар ва бошқа кўринишдаги хайр-эхсон ҳаракатлари ихтиёрий бўлиши керак. **Ота-онани турли йўллар билан пул тўлашга мажбур қилиш ноқонуний ҳисобланади.**

Ҳўш, унда нега мактабларда пул йиғиш амалиёти йўқолмапти? Бу ҳолат республиканинг барча худудларига тааллуқли экани масаланинг нақадар долзарблигини кўрсатмоқда. Демакки, қонунлар билан реал ҳаётдаги воқелик бир-бирига мос келмапти. Янада соддарок тушунтирсак, қаердадир, қайсидаир масъуллар қонуни буюртма ёки қонунлар ислоҳ қилинишга муҳтож. Агар вазиятга чуқурроқ қирилса, юқоридаги ҳар икки тахминда маълум маънода асос бор.

## ТАНГАННИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИ...

Энг катта муаммо — мактаб эҳтиёжлари учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан етарли миқдорда маблағ ажратилмаслигидир. Масалан, бир синфнинг таъмири учун 20 донга бўёқ (краска) керак. Мактаб томонидан эса бунинг ярми ҳам берилмайди. Эки синфхонанинг ойнаси синган бўлса, таъмир учун ажратилган сарф-харажатда бу ҳисобга олинмайди.

Ҳўш, синф раҳбари нима қилиши керак? Берилган маҳсулот билан чекланган ҳолда, таъмир қўйилган талабни бажармайди, талаб қилинган таъмир қилинмайди, кўшимча маблағга «йиғди-йиғди»ларнинг ноқонунийлигини эълон қилишдан аввал Халқ таълими вазирлиги синфхоналар таъмири учун етарли маблағ манбаасини топиб бериши лозим. Акс ҳолда бу ҳолат давом этаверади. Таъмирлашга пул йиғиш ноқонуний бўлса, синф раҳбаридан ўз синфини таъмирлашни талаб қилиш қанчалар қонуний?!

## БИЛАСИЗМИ?

### МАКТАБ ТАЪМИРИГА АСЛИДА КИМ МАСЪУЛ?

Халқ таълими вазирлиги маълумотида кўра, «Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари халқ таълими муассасаларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш масаласида ҳар томонлама кўмаклашиши белгилаб қўйилган.

Хусусан:

✘ тегишли худудда умумтаълим муассасаларига ердан кўрсатишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шу жумладан, ўқитувчилар ва ушбу соҳа ходимларининг мақомини яхшилашга ва оширишга ердан бериш;

✘ нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига бериш учун бўш ер участкалари (ҳар бир худудда йилига 50 лотдан кам бўлмаган) рўйхатини тасдиқлаш ва улардан доимий фойдаланиш ҳуқуқини «E-JRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида реализация қилиш;

✘ халқ таълими муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, уларга туташ худудларни ободонлаштириш, инфратузилмани (тротуарлар, йўللар ва бошқалар) зарур ҳолатда сақлаш бўйича буюртмачи функциясини амалга ошириш;

✘ халқ таълими муассасаларини электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви, зарур санитария-гигиена шароитлари ва бошқа коммунал хизматлар билан узлуксиз таъминлаш;

✘ туманлар (шаҳарлар) комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари билан биргаликда халқ таълими муассасаларини ўқув йилига ва куз-киш мавсумига ўз вақтида ва самарали тайёрлаш тадбирларини амалга ошириш;

✘ умумтаълим муассасаларининг ҳавфсизлигини таъминлаш, шу жумладан, худудлар атрофини ўраш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларни бриктириш, видеокузатув камералари, ёнғинга қарши сигнализация тизимларини, кириш йўлларидида қондабузарликларни қайд этувчи қурilmаларни ўрнатиш чора-тадбирларини қўриш;

✘ халқ таълими муассасалари худудининг ва кўчмас мулкнинг бутунлигини ҳамда дахлсизлигини белгиланган тартибда таъминлаш;

✘ умумтаълим муассасаларини ривожлантириш учун инвестицияларни ва ҳомийлик ёрдамида жалб қилишга кўмаклашиш.

✘ халқ таълими муассасаларидаги мавжуд муаммоларни тез ва самарали ҳал қилиш бўйича бошқа чоралар кўрилишини ташкил этиш учун шахсан жавоб беради. Шу билан бирга, 2018 йилдан бошлаб, мактабларни жиҳозлаш маҳаллий ҳокимиятлар масъуллиги белгиланган. «Обод қишлоқ» дастури доирасидаги мактабларни қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари деярли тўлиқ маҳаллий ҳокимиятлар маблағи ҳисобига амалга оширилмоқда. Йиллар давомидида маҳаллий бюджетдан кўшимча пул ажратиш имкони бўлмаганига таъмирланмаган мактаблар таъмирланиб, кўшимча бинолар қурилмоқда.



Масаланинг янада оғриқли томони — пул сўраган ўқитувчи омманнинг назарида порахўр ёки юлғучга чиқиб қолмоқда. Ваҳоланки, шу пулнинг 1 тийинини ҳам улар ўз манфаатига ишлатмайди. Керак бўлса, ота-оналардан йиғилган пулга кўшимча ўзлари ҳам маблағ қўшишади. Муаммони ечиш учун Халқ таълими вазирлиги икки хил ёндашуви тўхтатиши керак, **яъни мактаб эҳтиёжларини қоплаш учун синф раҳбарларига уларнинг имконияти етмаган даражада талаб қўймасин ёки талаб қўйса, уни ноқонуний, деб эълон қилмасин!**

## ҲАММА ҲАМ ПУЛ БЕРОЛМАЙДИ

Ота-оналарнинг ҳақиқат эътирозларига эътибор қаратамиз. Табиийки, жамиятда ҳамма ижтимоий тенг шароитда эмас. Айрим ота-оналар фарзанди учун 30-40 минг сўм маблағ беришга қийналмайди. Аммо бир гуруҳ аҳолига «таъмирлаш»га деб айтилган суммани топиш осон эмас. Афсуски, аксарият ҳолларда ота-оналардан пул сўралганда бу жиҳат эътиборга олинмайди. Маҳжисларда «ташаббускор» ота-оналар бола-иш учун берамиз-да, дея катта гапирганда, улар бизда бунга имкон йўқ, дегани ор қилишади. Қолаверса, имкони йўқлар бермаслиги мумкин, бу мутлақо ихтиёрий дейилса, шу маблағни бера оладиган ота-оналарда ҳақиқат эътироз пайдо бўлади.

Бундай вазиятда мактабни гўёки муаммодан четда ушлаш учун қулай усул ўйлаб топилган. Яъни барча мактабларда ота-оналардан иборат Кузатув кенгашлари тузилган. Аксарият ҳолларда ташаббусчилар чўқиди. Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳеч бир ўқитувчи шахсан мактаб учун пул сўрашга ҳақиқат эмас, аммо Кузатув кенгашлари орқали мактабларга бегараз ҳомийлик қилиш истагида бўлган фуқаролар буни қонуний йўл билан, яъни ҳомийлик маблағларини мактабнинг ҳисоб-рақамига ўтказган ҳолда расмийлаштиришлари мумкинлиги билдирилган. Мана шу истисно бугун оммавий пул йиғишга сабаб бўлмоқда. Демак, **Кузатув кенгашлари томонидан мактабга ҳомийлик маблағлари жалб этиш тартибини яна бир марта кўриб чиқиш ва ислоҳ қилиш зарурати бор**, деб ҳисоблаймиз.

Мабтабда пул йиғишни ноқонуний эканини эълон қилган Халқ таълими вазирлигига шу ўринда яна саволлар туғилди. **Биринчидан**, агар шундай бўлса, нима учун мактабларда мактаб фонди, синф фонди каби фондлар фаолияти йўлга қўйилган?

**Иккинчидан**, пул йиғиш ноқонуний ҳолда нега синф раҳбарларидан «таъмирлаш»га ижтимоий тенг шароитда эмас.

Вазият билан танишганимизда, аксарият мактабларда Кузатув кенгаши раислигига директорга «хайрихоҳ» ота-оналар тайинланишига гувоҳ бўламиз. Хулоса қилиш мумкинки, Кузатув кенгаши аъзолари кўп ҳолларда директорнинг «тили» бўлишади. Яъни директор айтиши ноқонуний, деб топилган «йиғди-йиғди»лар кузатув кенгаши аъзолари орқали айтилади.

Одатда оммавий ахборот воситасида муаммо кўтарилганда албатта унга ечим ҳам тақдим этилиши адолатли бўлади. Шу сабаб биз ҳам мавзу бўйича ўз таклифларимизни тақдим этишни лозим топдик. Фикримизча, бу муаммони ечиш учун ҳақиқат эътироз қилиш учун оқибатда директорнинг «тили» бўлиши керак.

Шунда турли хил ноқонуний «йиғди-йиғди»ларга барҳам берилади. Энг муҳими, жараён барча учун очик ва шаффоф ҳолда тақдим этилади. Ўз навбатида жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилди.

**Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.**



БМТ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, СЎНГИ ЯРИМ АСРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ АҲОЛИСИНИ СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ 3,5 БАРОБАРГА КАМАЙГАН.

МЎЙНОҚ ТУМАНИДА 200 ФОИЗ МИҚДОРИДА ҚЎШИМЧА ҲАР ОЙЛИК УСТАМА ТЎЛОВЛАРИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИДАН ТЎЛАНИШИ БЕЛГИЛАНГАН.



# СУВ

## ТАНҚИСЛИГИ МУАММОСИ ЎТА ЖИДДИЙ

Марказий Осие мамлакатларида, хусусан, Ўзбекистонда сув танқислиги билан боғлиқ вазият жиддий. Шу боис сувдан оқилонга фойдаланиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Яқинда бир гуруҳ мутахассислар икки ой давомида ҳудудларда ерости чучук сувлардан фойдаланиш, дарё ўзанларида кум-шағал қозиш ишларининг ерости чучук сувларга салбий таъсирини ўрганиб чиқди. Уларнинг маълумотларига кўра, аҳвол анча хавотирли тус олмақда.

Тошкент вилоятидан оқиб ўтадиган Чирчиқ дарёси Чирчиқ ерости чучук сувлар кинини доимий тўйинтириб туради. Ушбу конда 5 та ерости гуруҳли ичимлик сув олиш иншоотларидан 3 таси (Қибрай, ВУ-1, Ниёзбош) дарё ўзанида жойлашган. Сувли қатлам тўртламчи давр ётқи-зикларига тегишли бўлиб, қатламнинг қалинлиги 20-70 метр, Янгийўл ва Чиноз шаҳарлари атрофида 120-350 метри ташкил қилади. Ичимлик сув таъминоти учун фойдаланилаётган мазкур иншоотлардаги қудуқлар чуқурлиги Тошкент шаҳригача бўлган ҳудудда 20-70 метр, Янгийўл ва Чиноз шаҳарлари оралиғидаги ҳудудда 70-350 метри ташкил этади. Ўрганиш давомида кузатув қудуқларидаги ерости сув сатҳи 2-5 метри ташкил қилиб, йил давомида тебраниши 1-3 метри ташкил этган.

Айниқса, ёз ойлари яқинлашгани сари пойтахтимизда ичимлик сувдан тийиксиз фойдаланиш бошланиб кетади. Машина ювиш дейсизми, гилам ювиш дейсизми, дарахт ва ҳовлиларни сугориш дейсизми, буларнинг бари айнан ичимлик сув ҳисобидан амалга оширилади. Бу эса, ўз навбатида, кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларида яшовчи аҳолига кун

Сўнги ярим асрда Марказий Осие аҳолисини сув билан таъминлаш 3,5 баробарга камайган. Глобал сув ташаббуси гуруҳи(Global Water Initiative) нинг таҳлил-прогнозида 2025 йилга бориб Марказий Осие давлатлари аҳолиси жиддий сув танқислигига дуч келиши қайд этилади.

лам – грунт сувлари сатҳининг 1-2 метр пасайишига олиб келган. Бу аҳолининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатаётган қўлбола қудуқлар(качалка, ерости қудуқлар)даги сув сатҳига таъсир этмоқда.

Ўзбекистонлик сиёсатшунос, «Ma'no» тадқиқот маркази директори Бахтиёр Эргашевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда зудлик билан сувни тежовчи технологияларни жорий этиш зарур.

«Жумладан, бу томчилатиб суво-риш тизимлари бўлиши мумкин. Тизим ўрнатилмоқда, лекин унинг қамровини янада кенгайтириш зарур. Фермерларни томчилатиб суворишни жорий этишга рағбатлантириш тизимини яратиш, шунингдек, сув тарифларини ошириш-миз керак», — дейди Бахтиёр Эргашев.

2040 йилларга бориб, Амударё ва Сирдарё оқимининг қисқариши эвазига Ўзбекистонда сув ресурслари тақчиллиги 33 фоизга етиши мумкин. Шу билан бирга, Жаҳон банки прогнозларига кўра, Марказий Осиеда тоза ичимлик сувнинг етишмаслиги ЯИМнинг 11 фоизга пасайиб кетишига сабаб бўлади. Минтақада 80-90 фоиз сув ресурслари қишлоқ хўжалигида ишлатилмоқда, сугориладиган ерларнинг минтақа бўйича умумий майдони 7 695 млн. гектар, Ўзбекистонда эса 4,2 млн. гектарни ташкил этади.

«Ўзгидромет» хизматининг 2012-2021 йиллар оралиғида кузатувлар таҳлилига кўра, иқлим ўзгариши туфайли ёгингарчиликнинг кам бўлган. 2013-2014, 2018, 2020 ва 2021 йилларда вегетация даврида Чорвоқ сув омборига (Чирчиқ дарёсига) ва Зарафшон дарёсига меъёрдан 10-15 фоиз кам сув келиши кузатилган. Сув танқислиги, ўз навбатида, ичимлик сув танқислигига олиб келмоқда. Сўнги 15 йил ичида аҳоли жон бошига йиллик сув ҳажми 3 048 м<sup>3</sup> дан 1 589 м<sup>3</sup> гача камайган.

Жаҳон банки таҳлилий кўрсаткичларига кўра, 2050 йилга бориб Ўзбекистонда сувга бўлган талаб 59 куб км.дан 62-63 куб км.гача ошади ва мавжуд сув ресурслари 57 куб км.дан 52-53 куб км.гача

камаяди, бу эса жорий сув танқислигини (2 куб км.дан 11-12 куб км.гача) беш баробарга оширади.

Ичимлик сув таъминотидан фойдаланишда асосий хавфлар чучук сувнинг ўткир тақчиллиги, фойдаланиш учун рақобат, ифлосланиш, қурғоқчилик ва бошқалардан иборат экани айтилган.

Гидрогеологик жиҳатдан ўрганиш натижасида қуйидагича хулоса қилинган: **биринчидан**, қазил ишлари давомида катта майдонларда ерости сувли қатламларини очиб теварак-атрофда, яъни 100-500 метр радиусдаги ерости грунт сувлари сатҳининг 1-2 метрга пасайишига олиб келади. Қазил ишларида технологик регламент талабларига қатъий риоя қилиш лозим;

**иккинчидан**, Зарафшон дарёси бўйидаги «Дагбит сув олиш иншооти» 3-участкасининг санитар-муҳофаза минтақасида жойлашган ҳудудда қазил ишларини тўхтатиш ва рекултивация қилиш лозим;

**учинчидан**, ерости сув олиш иншоотларининг санитар-муҳофаза минтақасида жойлашган карьерлардаги қазил олиш ишлари ерости сувлари (микробли) ифлосланишига олиб келиши мумкинлигини инобатга олиб, ушбу ҳудудларда қазил ишларини чеклаш тавсия этилади.

БМТ маълумотига кўра, сўнги ярим асрда Марказий Осие аҳолисини сув билан таъминлаш 3,5 баробарга камайган. Глобал сув ташаббуси гуруҳи(Global Water Initiative)нинг таҳлил-прогнозида 2025 йилга бориб Марказий Осие давлатлари аҳолиси жиддий сув танқислигига дуч келиши қайд этилади. Айрим башоратларга кўра, шу йилга келиб дунёдаги жами 52 та мамлакат аҳолиси чучук сув танқислиги муаммосига рўбарў келади.

Меъёр бўйича маиший эҳтиёжлари учун бир киши бир кунда 3 куб метр – уч минг литр сув сарфлаши белгиланган. Демак, бир кишининг уйдаги бир кундаги эҳтиёжи 200 литр совуқ ва 100 литр иссиқ сувни ташкил қилади. Сувни ҳисоблагичсиз тақсимлагандаги меъёр ана шундай. Марказий Осиеда истиқомат қилаётган бир кишига атғи 1,7 куб метр – 1 минг 700 литр сув тўғри келади. Бу шу бугунги маиший меъёрга қараганда қарийб икки баробарга кам демақдир. Биз энди ҳар бир томчи сувни авайлаб сарфлашимиз лозим.

Очиқ қолган сув жўмрагидан ҳар дақиқада 15 литр сув тушади. Мабодо жўмрак очик қолса, унда соатига минг литрга яқин сув оқиб исроф бўлади. Бир ярим соат очик қолган жўмракдан бир инсоннинг бир суткалик сувга бўлган эҳтиёжини қондирадиган оби ҳаёт оқиб кетади. Ҳовлига сув сепиш, экин ва дарахтларга сув куйиш, боғ ва чорвани, мол-ҳолини сугориш кундалик аъомлимизга айланган. Миллионлаб гектар пахта, шолӣ, сугориладиган ерлардаги бугдой, арпа, маккаларни-ку гапирмай қўя қолайлик. Чунки улар ҳам инсонлар эҳтиёжини қондириш мақсадида етиштирилади. Шундай экан, тоза ичимлик сув муаммоси кундан-кунга долзарблашадиган ҳозирги пайтда ҳар бир фуқародан сувни тежаб фойдаланиш, давлатимиздан бу борада қатъий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

ТИББИЁТ

## МЎЙНОҚҚА ИШГА БОРГАН ШИФОКОРГА

# 200 ФОИЗЛИК УСТАМА ТЎЛАНАДИ

Шифокорлик касблар орасида энг шарафлиси, десак муболаға эмас. Бойси инсон ҳаётига дахлдор бўлган ўта масъулиятли касбни зиммасига олган, бу йўлда фидойилик билан меҳнат қилиб келаётган ҳар бир тиббиёт ходими эъзозга муносиб. Зеро, инсон саломатлиги жамиятнинг бебаҳо бойлиги, шифокорлар ана шу бойликнинг фидойи посбонларидир. Президентимизнинг жорий йил 17 майдаги «Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳа ходимларини муносиб рағбатлантиришни назарда тутади.

### РАЗРЯДЛАР КЎТАРИЛИШИ КУТИЛМОҚДА

— Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг дастлабки давридаёқ аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, шифокорларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини юксалтириш, уларнинг иш ҳақини ошириш, уй-жой билан таъминлаш масаласини устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб берди. — **дейди Қарши шаҳридаги «Насиф мед» клиникаси раҳбари, Қашқадарё вилояти халқ депутатлари кенгаши депутати Дилрабо Шарипова.** — Тиббиёт муассасалари ходимларини моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришни кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлар, бир неча бор ўтказилган видеоселектор йиғилишлари замирида ҳам аҳолига тиббий

хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва саломатлик посбонларини қўллаб-қувватлашдек эзу мақсад мужассам. Янги фармонга кўра, жорий йил 1 июндан бошлаб давлат тиббиёт муассасалари тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ходимларининг ойлик маоши олий ва биринчи малака тоифаларига эга бўлган тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — 15, иккинчи малака тоифасига эга бўлган ва тоифага эга бўлмаган, шунингдек, бошқа тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун — 10, тиббиёт муассасаларининг бошқа ходимлари учун — 15 фоизга оширилади. Бунга тиббиёт муассасаси ходимларининг тариф ставкаларини ҳисоблаш амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентларини тегишлича 1,1 ва 1,15 баробарга кўпайтириш орқали эришилади.

### РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА УСТАМАЛАР

Мазкур ҳужжатнинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, ходимларни моддий рағбатлантиришга ажратилган маблағлар ҳисобидан давлат тиббиёт муассасасининг юқори малакали, алоҳида натижага эришган, ҳалол ва виждонан ишлаётган тиббиёт ҳамда фармацевтика ходимларига ойлик лавозим маошининг 100 фоизгача ҳамда бошқа ходимларга 75 фоизгача ойлик устама тўлаб берилади. Бу, ўз навбатида, саломатлик посбонларига куч-қувват бахш этади.

Илгари янги иш бошлаган кадрларга деярли эътибор қаратилмас эди. Ушбу фармон билан салоҳиятли ёш шифокорларга 1 миллион сўмгача махсус ойлик устама белгиланди. Шунингдек, оилавий шифокор пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кундузги стационар иш вақтининг соат 20:00 гача узайтириш ҳисобига иккинчи сменада ишловчи шифокор ҳамда ҳамшираларга лавозим маошининг 30 фоизгача ойлик қўшимча устамалар тўлаб берилади.

### ФАН ДОКТОРЛАРИ ВА НОМЗОДЛАР

Фармонга биноан, жорий йил 1 сентябрдан бошлаб даволаш-профилактика муассасалари ходимларига, уларнинг тиббиёт соҳасида ва меҳнат фаолиятида илмни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан фан доктори (Doctor of Science) илмий даражаси учун лавозим маошининг 60 фоизгача ва фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун лавозим маошининг 30 фоизгача миқдорда ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаши ҳам белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим жиҳат Бундан буён узок ва олис ҳудудларга

бориб ишловчи шифокорлар меҳнати ҳам қадрланади. Чунки фармонда 2022 йил 1 июлдан бошлаб вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида, шунингдек, хорижий давлатлардан Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзақ, Бўзатов, Шуманай, Қўнғирот туманларига бориб ишловчи шифокорлар ойлик лавозим маошига дастлабки уч йил давомида 100 фоиз, Мўйноқ туманида эса 200 фоиз миқдорда қўшимча ҳар ойлик устама тўловлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

МАЪЛУМОТ УЧУН: ЎРТАЧА ЙИЛЛИК ЕРСТИ СУВ САТҲИ 2014 ЙИЛДА 2,15 МЕТР БЎЛГАН БЎЛСА, ҲОЗИРДА 5,38 МЕТР БЎЛИБ, 3,23 МЕТР САТҲ ПАСАЙГАНИ АНИҚЛАНГАН. ИНШОТ ЯҚИНИДА КУМ-ШАҒАЛ КАРЬЕРЛАРИ МАВЖУДЛИГИ ҲАМ СИЗОТ СУВЛАРИ 1-2 МЕТР ПАСАЙИШИГА ТАЪСИР ЭТМОҚДА.

давомида ичимлик сувнинг яхши етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда.

Зарафшон дарёсининг мамлакатга кириб келиш нуқтаси – «Раватхўжа» тўғонидан Каттакўрғон шаҳригача бўлган оралиғида «Зарафшон дарёсининг ҳозирги ҳавзаси» ерости сув кони жойлашган. Ушбу конга жами 16 та гуруҳли ерости сув олиш иншоотлари боғланган бўлиб, шундан 4 таси (Чўпонота, Дағбид, Муртак, Дамхўжа) Зарафшон дарёси ўзанига жуда яқин жойлашган. Ўрганиш ишлари давомида ушбу иншоотларнинг кузатув қудуқларида ерости сув сатҳи 4,6-10,8 метр чуқурликда бўлиб, йил давомида мавсумий тебраниши 1,0-2,5 метри ташкил қилгани аниқланган.

Дарё ўзанида ерости сувли қатламларининг кўпроқ очилиши 100-500 метр радиусдаги ҳудудда биринчи сувли қат-

ЭЪЛОН

Алиева Дилдора Тоир қизига 2009 йилда Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 196-умумтаълим мактаби томонидан берилган №4027246 (Per. №114) рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Имомов Суннат Бахтиёр ўғлига 2018 йилда Ўзбекистон МТРК томонидан берилган (амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр) №0119-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тан олиш керак, ички йўллар аҳволи — бугун одамларни энг кўп қийнайдиган муаммо. Жорий йилда «Ташаббусли бюджет» портали орқали аҳолидан тушган 20 мингта таклиф ёки жами мурожаатларнинг 25 фоизи шу масалага оид бўлгани унинг долзарблигидан далолат беради. Яна бир факт: Молия вазирлиги томонидан жорий йилнинг апрель ойида илк мартаба ўтказилган «Менинг йўлим» лойиҳаси доирасида ички йўлларни таъмирлаш учун 9 212 та таклиф келиб тушган.



# «ЙЎЛЛАРИМИЗ НЕГА СИФАТСИЗ?»

Тизим яхши йўлга қўйилмас экан, 100 йилдан кейин ҳам шундай деб юраверамиз...



Хўш, бугунги йўлларимиз ҳолати талабга жавоб берадими? Нега соҳага нисбатан эътирозлар кўпайиб кетди? Сифатсиз йўллар қурилиши қачонгача давом этади? Кимдир буни назорат қиладими?



## НЕГА БИЗГА ЙЎЛЛАР «ЧИДАМАЙДИ»?!

Автомобиль йўллари давлат қўмитаси маълумотига кўра, 2021 йилда мамлакатимизда 9 трлн. 695 млрд. сўм маблағ эвазига 20 561 км. автомобиль йўллари реконструкция қилинди ва таъмирланди. Жумладан, Инфратузилмани ривожлантириш дастури доирасида 421,5 км., Капитал таъмирлаш дастури доирасида 120 км. автомобиль йўллари, ички йўлларни таъмирлаш дастурлари бўйича 16 682 км. йўллар таъмирланди. Шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 3 318,4 км. ички йўллар тўлиқ таъмирдан чиқди.

Булар — кичкина рақамлар эмас! Лекин натижа нима бўлди? Шунча маблағ эвазига таъмирланган йўлларда бир ёмғирли мавсумдан кейин яна ўйдим-чуқурлар пайдо бўлиши йўллар сифатсиз қурилганиданми ёки ажратилган пулларнинг ҳаммаси ҳам йўлга «ётқизилмагани»ни аниқлади? Ахир таъмирланган йўллар стандартларга жавоб бериши ва ўз мuddати давомида халққа хизмат қилиши керак эмасми? Нега йўлларимиз таъмирдан тез чиқади, аммо узоқ вақтга чидамайди? Қайси вилоятга борманг, километрларга чўзилган, бузилаётган ёки тузатиётган йўл устидан чиқамиз. Буни кўриб, йўлларимиздаги таъмирлаш ишлари ҳеч қачон тугамайдигандек туйилади. Нега бизга йўллар «чидамайди»?!

Чекка ҳудудлардаги, ҳатто туман ва шаҳарлар марказларидаги ички йўлларни қўя туринг, вилоят марказлари, ҳатто пойтахтда ҳам йўл билан боғлиқ муаммолар қалашиб ётибди. Ҳар йили қайсидир йўл таъмирланяпти, қайсидир

қайта қурилмоқда, уларга миллиардлаб маблағ сарфланяпти. Аммо негандир йўлга оид муаммоларни қуриш, сақлаш билан боғлиқ тизим ишламаяпти. Ишлар номигагина бажарилмоқда, сифат йўқ. Шу йил қурилган ёки таъмирланган йўл бир йил ўтмай яроқсизга чияпти. Гап лойиҳачидами ёки қурувчида, билмадигу, сошлаш ишларидан кўп ўтмай, йўлнинг бир жойидан «булоқ» чиқса, бир жойи ўз-ўзидан чўкиб қолмоқда.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси («Ўзи-ўзинспекция») маълумотига кўра, жорий йилнинг январь-апрель ойлари давомида ўтказилган тадбирлар натижасида 61 та ҳолатда қарийб 1 млрд. 339 млн. сўмлик сифатсиз бажарилган қурилиш-монтаж ишлари аниқланган. Мисол учун, Сардоба тумани ҳудудидан ўтувчи 4Р199 автомобиль йўлининг 0-37 километрлари оралиғида ўтказилган жорий таъмирлаш натижасида — 129,3 млн. сўмлик, Нуробод тумани Селки қишлоғидаги 53-мактабга олиб борувчи ички йўлни таъмирлашда — 112,9 млн. сўмлик, Вобкент ва Ромитан туманлари ҳудудидан ўтган 4Н155 автомобиль йўлининг 8,5-11 километрлари оралиғидаги жорий таъмирлаш натижасида — 47,2 млн. сўмлик ишлар сифатсиз бажарилгани, талабга мувофиқ жавоб бермагани учун ҳисобдан чиқарилган, яъни уларга пули тўлаб берилмаган.

## АНДИЖОН ТАЖРИБАСИНИНГ ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИГИ БОР?

Йўл муаммолари ҳақида соатлаб гапириш мумкин, бироқ

уларнинг ечими қандай бўлади? Масъуллар бу борада аниқ режага эгами? Бу ҳақда сўз борганда, давлатимиз раҳбари раислигида 7 апрель санасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ички йўлларни таъмирлашда Андижон тажрибасини оммалаштириш лозимлиги ўқтирилди. Андижонда цемент ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан кластер ташкил этилиб, 31 та чекка маҳалладаги 23 км. йўл цемент-бетон қопламга ўтказилди. Асфальт ўрнига цементдан фойдаланиш орқали қурилишдан 600 миллион сўм иқтисод қилинган, 350 минг долларлик битум импорти учун маблағ тежалган.

— Тан олиш керак, нафақат Андижон вилоятида, балки бутун республикаимизда ички йўллар ачинарли ҳолатда, — дейди Андижон вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўлқинжон Қороев. — Бунинг бир қанча сабаблари бўлиб, улардан бири — асфальт қопламдан иборат эканидир. Нега? Биринчидан, асфальт йўлнинг даврийлик мuddати 5 йилгача. Иккинчидан, у сувга ниҳоятда чидамсиз. Яъни ёмғир ва қор натижасида емирилиши осон. Бу унинг сифат даражасига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Учунчидан, республикаимизда битум хомашёсининг етишмаслиги асфальт йўлни барпо этиш учун катта маблағ сарфланишига олиб келади. Бетон йўл масаласига келсак, унинг даврийлик мuddати 15-20 йилгача. Табиий иқлимга бардошли бўлиб, тайёрлашда ички хомашёлардан фойдаланилади. Бу эса харажатни сезиларли ўқтисод қилишга, йўл қурилиши ҳажмини оширишга сабаб бўлади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, асфальт йўлни совуқ ҳароратда бунёд этиб бўлмайди. Бетон йўлни эса -7 даража совуқ бўлган кунларда ҳам қуриш мумкин. Ўзбекистон иқлимини ҳисобга оладиган бўлсак, демак, қиш фаслида ҳам йўл қурилиши соҳасида узилишлар кузатилмайд.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, 1 км. узунликда, кенлиги 4,5 метрли кўчани асфальт қилиш учун 600 млн. сўм харажат қилинади. Агар бу иш бетон орқали амалга оширилса, 527 млн. сўм сарфланади. Демак, 1 км.дан 73 млн. сўм маблағни тежам имкони яратилади. Энди бу рақамни

ўнлаб, юзлаб километрларда ҳисоблаб кўринг! Энг муҳими, бу услубдаги йўлнинг чидамлилиги мuddати бир неча баробар юқори.

Жорий йилда ушбу тажриба асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 2 606 км/ узунликда цемент-бетон қопламали ички йўллар қуриш назарда тутилган. Бу ишлар учун 2022 йилда цемент ишлаб чиқариш ҳажми 3,5 миллион тоннага оширилиб, 18 миллион тоннага етади. Бу билан ички эҳтиёжлар тўлиқ қопланади.

## ХУСУСИЙ СЕКТОР МУАММОНИНГ ЕЧИМИ...(МИ)?

Йўлларни хусусийлаштириш ҳам мазкур тизимли муаммоларнинг ечими бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда бюджетдан ажратилаётган ҳамда халқроқ донорлардан олинган пуллар ўз манзилига етиб бормаётган ёки қилинган харажатга яраша натижа бермаётган бир пайтда энг мақбул чора шу бўлиб кўринмоқда. Ким билсин, соҳага хусусий секторнинг жалб этилиши 30 йилдан бери битмаётган ярага малҳам бўлар?!

Бу саволга аниқ жавоб бериш ҳозирча мушқул, бироқ ён қўшимиз Тожикистонда йўллар хусусийлаштирилгани магистраль йўллар сифати яхшиланишига олиб келганини айтиб ўтиш ўринли. Натижада Жаҳон иқтисодий форуми томонидан ҳар йили тузиб келинадиган дунёдаги энг ёмон ва яхши йўлларга эга давлатлар рейтингиди ҳозирда Тожикистон 51-ўринини эгаллаган. Таққослаш учун, ҳозирга қадар Ўзбекистон бу рейтингдан умуман жой олмаган.

Шу билан бирга, йўл соҳасида икки йил муқаддам Президентимиз таклиф этган «фойдаланувчи тўлайди» тизимини жорий этиш самара бериши мумкин. Мазкур тамойилнинг моҳияти шундаки, йўлдан фойдаланган автотранспорт воситалари, айниқса, оғир юк автомобиллари уларнинг емирилишига сабабчи

бўлгани учун маълум миқдорда ҳақ тўлайди. Бу тизимни йўлга қўйиш учун, аввало, йўл соҳасига йўналтирилаётган маблағлар манбаси аниқ бўлиши ва бу пуллар фақат ва фақат йўллар учунгина сарфланиши керак.

Аслини олганда, мазкур тизим бизда аввалдан мавжуд, фақат бошқача кўринишда. Яъни шундоқ ҳам ҳайдовчилар 2019 йил январь ойдан буён 1 литр бензин ёки газ пулининг 20 фоизини қўшимча акциз солиғи сифатида тўлаб келмоқда. Афсуски, акциз солиғидан йўл ишларига маблағлар йўналтиришни назорат қилиш тизими яхши ишламайди. Мисол учун, юртимизнинг бирор шаҳар ёки туманидаги суюқтирилган газ ёки бензин қўйиш шохобчасидан ҳарид қилинган маҳсулотнинг акциз солиғи тўридан-тўри ана шу ҳудуднинг маҳаллий бюджетига тушади. У маблағлар қонуний асосда, мақсадли равишда шаҳар кўчалари қурилиши ва таъмирига йўналтирилиши лозим. Бироқ айрим маҳаллий раҳбарлар бу маблағни автомобиль йўлларини таъмирлаш учун эмас, балки ўз ҳудудда оқсаётган қайсидир соҳани ривожлантиришга йўналтиради.

Малакали кадрларсиз муаммо ҳал бўлмайди. Юртимизда охириги 15-20 йил давомида соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилмади, илмий тадқиқот ишларига эса панжа орасидан қаралди. Натижада автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва қуриш борасида ён қўшилари миздан ҳам ортада қолиб кетди. Шундай экан, маҳаллий кадрлар малакасини ошириш, уларнинг йўл-созлик соҳасида илгор мамлакатлар мутахассислари билан тажриба алмашишлари учун шароит яратиш, тизимга инновацион лойиҳаларни кенг татбиқ этиш, бунинг учун илмий соҳага етарли маблағ ажратиш зарур. Ана шунда тизимда олиб борилаётган ислохотлар натижадорлиги янада ортади.

Санжар ИСМАТОВ.

“Бир нарсани унутмайлик, биз бугун йўл соҳасида нимадир иш қилаямиз деяпмиз, лекин аксарият ҳолларда йўлларни «ямаш» билан оворамиз. Агар муаммоларга ижобий ечим топиши истасак, масалага бўлган ёндашувни тубдан ўзгартиришимиз шарт. Фақат «ямаш» билангина иш битмаслигини, ҳеч бир соҳа сифатли автомобиль йўлларисиз ривожланмаслигини тушуниб етишимиз зарур. Акс ҳолда 100 йилдан кейин ҳам «Йўлларимиз нега сифатсиз?» деб юраверамиз.